

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
БУХОРО ВИЛОЯТ
КЕНГАШИГА
САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ
ВИЛОЯТ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ
ҚАРОРИ**



**XALQ DEPUTATLARI
BUXORO VILOYAT
KENGASHIGA
SAYLOV O'TKAZUVCHI
VILOYAT SAYLOV
KOMISSIYASI
QARORI**

2019 йил 17 октябрь

Бухоро шаҳри

6-сон

**“Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги”ни
ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида**

Сайловлар – фуқароларнинг жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг асосий шакли, уларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқариши, хоҳиш-иродасини эркин ифодалашини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим сиёсий тадбир.

Мазкур сиёсий тадбирни Конституция ҳамда қонунлар, умумэътироф этилган халқаро демократик стандартлар асосида ўтказиш кўп жиҳатдан фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллиги, фуқаролик бурчини чуқур англашига боғлиқ.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги миллий ҳуқуқий тизимдаги энг динамик ва изчил ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги халқаро сайлов стандартлари ушбу соҳадаги ўзгаришларнинг мустаҳкам асоси ва мезонларидан бирига айланган. Мазкур тамойиллар демократик сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда очиқлик ва ошқоралик, барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолиятида қонунийлик, коллегиялик, мустақиллик ва адолатлиликка риоя қилиш каби ҳуқуқий категорияларни ўзида мужассамлаштирган. Миллий ҳуқуқий тизим даражасида халқаро сайлов принципларининг мустаҳкамлаб қўйилиши ва халқаро сайлов нормаларининг амалдаги қонунчиликка татбиқ этилиши мамлакатимизнинг кучли демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги жиддий қадами ҳисобланади.

Сайловлар - бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Сайлов жараёни фуқаролар сиёсий фаоллигининг ошиши, ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятининг янада юксалишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг устувор нормалари ва принципларини ўзида ифода этган бўлиб, айнан ушбу жиҳат миллий сайлов қонунчилигини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият

касб этди. Сайлов қонунчилиги мамлакатимизнинг кўп йиллик сайлов тажрибаси, шунингдек, умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари ва тараққий этган хорижий давлатларнинг илғор тажрибасига мувофиқ ривожланмоқда. Бу борада эришилган муваффақиятларимизни нафақат миллий экспертлар, балки халқаро мутахассислар ҳам эътироф этмоқда. Уларнинг фикрича, Ўзбекистонда замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ва ҳатто, айрим йўналишлар бўйича баъзи ривожланган давлатлардан илгариланган демократик сайловлар қонунчилиги яратилган.

2019 йилнинг 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига сайловлар миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кўшишда яна бир муҳим амалий қадам бўлади. Бутун халқимиз, сайловчиларимиз, айниқса, ёшларимизнинг орзу-интилишларини ифода этишлари учун янги имкониятлар эшигини очади.

Сайловчилар жамиятда олиб борилаётган демократик ислохотлар ва уларнинг самараларидан кенг хабардор бўлган, ўз овози жамият ҳамда давлат ҳаёти, мамлакатнинг келажаги учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини англаб етган тақдирдагина сайловлардан кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ва сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги янгиликлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг мазмун–моҳияти, шунингдек сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунтириш бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш – давр талаби ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2019 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти даражасини янада юксалтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 20, 26-моддаларига мувофиқ, **Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси**

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 октябрдаги 957-сон “Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги”ни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ушбу қарорга асосан:

2.1. Аҳолининг кенг қатламлари, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, биринчи марта овоз берадиган фуқаролар, нурунийлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ҳарбий хизматчилар, меҳнат жамоалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари вакиллари ўртасида, уларнинг сайлов жараёнида фаоллигини ошириш, сиёсий билим даражасини юксалтиришга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида 2019 йилнинг 20 октябридан 20 ноябригача Ўзбекистон Республикасида “Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги” ўтказилиши;

2.2. 2019 йил 22 декабрдаги бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар билан боғлиқ жараёнлар бўйича кенг тарғибот тадбирларини амалга ошириш ҳамда уларни ёритиб боришга қаратилган чора-тадбирлар режаси тасдиқланганлиги;

2.3. Тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишда:

давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни ўтказишда сайловчиларнинг ҳуқуқий билимини янада юксалтириш ва сайлов маданиятини оширишга;

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишга;

фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари ҳақида аҳолига тушунтириш ва сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш масалаларини очиқ беришга;

сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда сайлов комиссияларининг тутган ўрни тўғрисида хабардор этишга;

овоз бериш (муддатидан олдин овоз бериш) ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тартиб таомилларни тушунтиришга;

тарғиботнинг барча илғор технологияларидан, жумладан, давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар, бевосита мулоқотлар, конференциялар, тренинглар, ўқув дарслари, викториналар ўтказиш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланишга;

пировард натижада аҳолининг сайловларда фаол иштирок этишига ва мамлакат тақдири учун даҳлдорлик туйғусини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши инобатга олинсин.

3. 2019 йил 22 декабрдаги бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар билан боғлиқ жараёнлар бўйича кенг тарғибот тадбирларини амалга ошириш ҳамда уларни ёритиб боришга қаратилган чора-тадбирлар режаси иловага асосан тасдиқлансин.

4. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларидан сайловчилар билан бўладиган депутатлар учрашувларида сайлов қонунчилиги ҳақида суҳбатлар ва тушунтиришлар уюштиришлари тавсия этилсин.

5. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи комиссиялар, сайлов комиссиялари аъзолари, адлия органларининг мутахассислари билан биргаликда, маҳаллалар, корхоналар, таълим муассасаларида сайловчилар билан **“Сайлов қонунчилигидаги янгиликлар”** мавзуида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилсинлар.

6. Вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалар, давлат ва нодавлат ноτιжорат ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари ўзларининг таркибий тузилмаларида фаолият юритаётган ходимларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида, миллий сайлов қонунчилиги бўйича тарғибот тадбирларини ўтказсин ҳамда тарғибот ойлиги якунлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят сайлов комиссиясига ахборот киритсин.

7. Вилоят адлия бошқармаси, хотин-қизлар кўмитаси, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими билан биргаликда **“Мен шахсан ўзим овоз бераман”** мавзусида аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказсин.

8. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши “Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги” доирасида ёшларнинг сайловларга оид билимини ҳамда электорал фаоллигини янада юксалтиришга қаратилган **“Менинг овозим – Ватаним келажаги”** мавзуида туркум тадбирлар ўтказиш тавсия этилсин.

9. Мамлакат сиёсий майдонида фаолият олиб бораётган сиёсий партияларнинг вилоят партия ташкилотларига, улар томонидан ўтказилаётган митинглар ва бошқа оммавий тадбирларда, фуқароларнинг турли қатламлари, партия электорати билан бўладиган тарғибот учрашувларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлажак сайловларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида, ҳар бир фуқаронинг турмуш даражаси фаровонлигини таъминлашда тутган ўрни, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, шунингдек, миллий сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари илғор нормаларини кенг тарғиб этиш тавсия этилсин.

10. Вилоятдаги олий ўқув юртлари, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари таълим муассасасидаги талабалар, ўқувчилар ва профессор-ўқитувчилар ўртасида миллий сайлов қонунчилигини ўзига хос хусусиятлари юзасидан ўқув семинарларини ташкил этсин.

11. Вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси умумтаълим муассасаларининг ўқитувчилари орасида ўқув семинарлари, ўқувчилари ўртасида **“Мен ҳам келажақда овоз бераман!”** мавзуида сайловларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамиятига оид тушунчаларини шакллантиришга қаратилган иншолар ва расмлар танловларини ташкил этсин.

12. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши, вилоят Ички ишлар бошқармаси, ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси, ер ресурслари ва давлат кадастри вилоят бошқармаси биргаликда, **“Сайловчилар рўйхатида бормисиз?”** деб номланган тадбирлар доирасида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатларини шакллантиришнинг мақсади, вазифалари ва аҳамияти ҳақида аҳоли ўртасида тарғибот ишларини ўтказсин.

13. Вилоят адлия бошқармаси:

давлат органлари ва ташкилотларининг “Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги” доирасида ўтказиладиган тадбирлар бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;

сайлов қонунчилиги соҳасига оид қабул қилинаётган норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини “республика - вилоят – туман – маҳалла” принципи бўйича кенг жамоатчиликка етказиш ишларини тизимли асосда йўлга қўйсин;

вилоят ахборот ва коммуникациялар бошқармаси, вилоят телерадиокомпанияси, “Бухоронома” газетаси таҳририяти, бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда, аҳолининг сайлов қонунчилигига оид

билимини оширишга қаратилган мақолалар, ток-шоулар, ижтимоий роликлар, кўрсатувлар ва эшиттиришлар ташкил қилсин.

14. Вилоят ички ишлар бошқармаси қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларга фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатларига оид тарғибот тушунтириш ишларининг олиб борилишини таъминласин.

15. Вилоят прокуратураси, Ички ишлар бошқармаси, миллий гвардия билан биргаликда сайлов жараёнларида қонунийликни таъминлаш ва сайловга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш масалаларига бағишланган тадбирларни ўтказсин.

16. Вилоят телерадиокомпанияси, “Бухоронома” газетаси таҳририяти ва бошқа оммавий ахборот воситаларига, “Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги”ни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

17. Ушбу қарор халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Шаропов зиммасига юклатилсин.

Вилоят сайлов комиссияси раиси

М.Олимов

Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашига
сайлов ўтказувчи вилоят сайлов
комиссиясининг 2019 йил 17 октябрдаги
6-сонли қарорига илова

**2019 йил 22 декабрдаги бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар билан боғлиқ жараёнлар бўйича кенг тарғибот тадбирларини амалга ошириш ҳамда уларни ёритиб боришга қаратилган
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ёритиб бориладиган ОАВ ва ижтимоий тармоқлар	Масъул ижрочилар
I. Сайлов жараёнлари ва сайлов қонунчилигига оид махсус медиа маҳсулотлар тайёрлаш ҳамда уларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш.					
1.	Вилоят, туман, шаҳар ташкилотлари раҳбарлари билан “Сенинг овозинг сенинг келажагинг” мавзусида интервьюлар ташкил этиш.	1. Вилоят миқёсидаги давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарлари билан сайлов қонунчилиги ва сайлов жараёнлари бўйича интервьюлар ташкил этиш ва тасвирга олиш. 2. Ҳар бир интервьюни телеканаллар орқали эфирга узатиш ҳамда сайт ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш.	Алоҳида жадвал асосида	Вилоят телерадиокомпанияси, «Истиклол ТВ» МЧЖ, ижтимоий тармоқлар	Халқаро матбуот маркази вилоят бўлими, вилоят телерадиокомпанияси, вилоятдаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари
2.	Сиёсий партиялар томонидан ўтказилган брифингларни ёритиб бориш.	Ҳар бир партия томонидан сайлов кампанияси бошлангандан буён амалга оширган ва амалга ошираётган ишлари бўйича қисқа (3-5 дақиқа) брифинглар тайёрлаш, шу жумладан, онлайнбрифинглар ташкил қилиб бориш.	Алоҳида жадвал асосида	Вилоят телерадиокомпанияси, «Истиклол ТВ» МЧЖ, ижтимоий тармоқлар	Халқаро матбуот маркази вилоят бўлими, сиёсий партиялар, вилоят телерадиокомпанияси
3.	Сайлов қонунчилиги ва сайлов жараёнлари ҳақида расмий баёнот, брифинг ва интервьюлар бериш	1. Вилоят сайлов комиссиялари аъзолари томонидан оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар вакиллари учун сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда амалга ошириладиган	Алоҳида жадвал асосида	Вилоят телерадиокомпанияси, «Истиклол ТВ» МЧЖ, ижтимоий тармоқлар	Халқаро матбуот маркази вилоят бўлими, вилоят телерадиокомпанияси,

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ёритиб бориладиган ОАВ ва ижтимоий тармоқлар	Масъул ижрочилар
		<p>сайлов жараёнлари ҳақида расмий баёнот, брифинг ва интервьюлар тасвирга олиш.</p> <p>2. Махсус баёнот, брифинг ва интервьюларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида (ёки титрларда) тайёрлаб бориш ҳамда уларни барча ОАВ орқали ёритиш ва ижтимоий тармоқларда жойлаштириш.</p>			<p>вилоят сайлов комиссияси</p>
4.	<p>Сайлов жараёнлари ҳақида ва аҳолини сайловга жалб қилишга оид инфографикаларни тарғиб этиш.</p>	<p>1. Сайловчилар ҳамда халқаро жамоатчилик учун сайлов жараёнлари, сиёсий партиялар фаолиятига оид статистик ва бошқа маълумотлар ҳамда ушбу соҳадаги ижтимоий сўровлар натижалари ҳақида ва аҳолини жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларга фаол жалб қилиш мақсадида тайёрланган инфографикаларни вилоятдаги сайт ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш.</p>	26 октябрь	Сайт ва ижтимоий тармоқлар	<p>Халқаро матбуот маркази вилоят бўлими, вилоят сайлов комиссияси, ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш бошқармаси, сиёсий партиялар</p>
5.	<p>Аҳоли ўртасида сайловга оид блиц-сўров (интервью)лар ўтказиш</p>	<p>1. Жамоат жойларида, аҳоли ўртасида уларнинг сайлов қонунчилиги ва сайлов жараёнлари ҳақида билимларини янада ошириш мақсадида қисқа савол-жавоб кўринишида блиц-сўров (интервью)лар ўтказиб бориш.</p> <p>2. Блиц-сўровларда иштирок этган фуқаролар орасидан фаол бўлган ва энг кўп тўғри жавоб берганларни Сайлов кодекси ва бошқа эсдалик совғалар билан рағбатлантириб бориш.</p>	Алоҳида жадвал асосида	Вилоят телерадиокомпанияси, «Истиклол ТВ» МЧЖ, ижтимоий тармоқлар	<p>Халқаро матбуот маркази вилоят бўлими, вилоят сайлов комиссияси, Вилоят телерадиокомпанияси</p>
6.	<p>“Сизнинг овозингиз биз учун муҳим” мавзусида тарғибот материаллари тайёрлаш</p>	<p>1. Фуқароларни жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этишга жалб қилишга мўлжалланган ижтимоий роликлар ҳамда баннерлар ва плакатлар тайёрлаш.</p> <p>2. Тайёрланган материалларнинг барча туман ва шаҳарлар марказларида жойлаштирилган ташқи экранларда (LED монитор) шунингдек жамоат транспортлари, авто бекатлар, вокзаллар, аэропорт ва бошқа аҳоли гавжум жойларида жойлаштириш.</p>	29 октябрь Ҳар куни	Вилоят телерадиокомпанияси, «Истиклол ТВ» МЧЖ, ижтимоий тармоқлар	<p>Вилоят сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари, корхона, ташкилотлар</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ёритиб бориладиган ОАВ ва ижтимоий тармоқлар	Масъул ижрочилар
II. Барча сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларидаги фаоллигини янада ошириш мақсадида махсус брифинг, ток-шоу, давра суҳбатлари ва бошқа кўрсатувлар ташкил қилиш.					
7.	Сайлов жараёнларининг бориши, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг муҳокамасига бағишланган ток-шоулар ташкил этиш	1. Барча сиёсий партиялар, ОАВ ва ижтимоий тармоқлар вакиллари, фуқаролар ва тадбиркорлар иштирокида ток-шоулар ташкил қилиш.	30 октябрь ва 15 ноябрь	Вилоят телерадио компанияси	Халқаро матбуот маркази вилоят бўлими, вилоят сайлов комиссияси, вилоят телерадиокомпанияси
8.	Сайлов жараёнида жамоатчилик томонидан сиёсий партиялар фаолияти бўйича фикр ва изоҳлар юзасидан брифинглар ташкил қилиш.	1. Сайловга тайёргарлик кўриш жараёнида жамоатчилик томонидан сиёсий партиялар фаолиятига нисбатан билдирилган фикр ва изоҳларни мониторинг қилиб бориш.	Ҳар куни	Вилоят телерадиокомпанияси, «Истиклол ТВ» МЧЖ, ижтимоий тармоқлар	Халқаро матбуот маркази вилоят бўлими, вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари, вилоят телерадиокомпанияси, сиёсий партиялар
9.	Сиёсий партияларнинг мақсади ва вазифалари тўғрисида маълумот бериб бориш.	1. Сиёсий партияларнинг дастурлари ҳақида, хусусан уларда давлат ва жамиятда турли соҳаларда мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича сиёсий партиялар позициялари ҳақида ОАВда интервьюлар ташкил қилиб бориш. 2. Ҳар бир партия вакилидан ҳар ҳафтада бир кунни белгиллаган ҳолда (фақат турли вақтларда) тегишли битта муаммо бўйича савол-жавоб тарзида интервьюлар олиш. 3. Партиялар вакилларининг интервьюларини умумлаштирган ҳолда эфирга узатиб бориш.	Алоҳида жадвал асосида	Вилоят телерадиокомпанияси, «Истиклол ТВ» МЧЖ, ижтимоий тармоқлар	Халқаро матбуот маркази вилоят бўлими, сиёсий партиялар, вилоят телерадиокомпанияси
10.	Сайлов жараёнларининг бориши, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг муҳокамасига	1. Барча сиёсий партиялар вакиллари ва маҳаллий ҳамда хорижий экспертлар иштирокида сайлов жараёнлари ва ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, фуқароларнинг жойларда ушбу соҳадаги муаммолари, уларни ҳал қилишга	Алоҳида жадвал асосида	Давлат ва нодавлат телерадиоканаллар, босма ва электрон нашрлар, сайтлар ва ижтимоий тармоқлар	Халқаро матбуот маркази вилоят бўлими, телерадиокомпанияси, вилоят адлия

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ёритиб бориладиган ОАВ ва ижтимоий тармоқлар	Масъул ижрочилар
	бағишланган давра суҳбатлари ташкил этиш	бағишланган давра суҳбатлари ўтказиб бориш. 2. Мазкур давра суҳбатларини барча давлат ва нодавлат ОАВ орқали ҳамда ижтимоий тармоқларда ёритиб борилишини таъминлаш.			бошқармаси сиёсий партиялар,
III. Аҳолини сайлов жараёнларига қизиқтириш ва ОАВ вакиларини рағбатлантириш мақсадида танловлар ўтказиш					
11.	ОАВ, журналист ва блогерлар ўртасида сайлов жараёнларини ёритишни рағбатлантириш мақсадида танлов ўтказиш	Сайлов компанияси даврида сайлов жараёнларини ёритиб боришда фаол бўлган ОАВ, журналист ва блогерлар орасидан МСК ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда тасдиқланган махсус ҳайъат томонидан “Энг фаол ОАВ”, “Энг фаол журналист” ва “Энг фаол блогер”ни аниқлаш ҳамда уларни диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирлаш .	25 октябрь (<i>эълон бериш</i>) 2019 йил январь (<i>тақдирлаш маросимини ўтказиш</i>)	Вилоят телерадиокомпанияси, «Истиклол ТВ» МЧЖ, ижтимоий тармоқлар	Халқаро матбуот маркази вилоят бўлими, вилоят телерадиокомпанияси
12.	Таълим муассасаларида “Мен ҳам келажакда овоз бераман!” мавзусида иншо лар ва расмлар танловини ташкил этиш	Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Мен ҳам келажакда овоз бераман!” мавзусида сайловларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамиятига оид тушунчаларини шакллантиришга қаратилган иншо лар ва расмлар танловини ташкил этиш, танловни жорий йилнинг 1-15 ноябрь кунлари давомида ўтказиш ҳамда алоҳида ҳайъат тузган ҳолда ғолибларни аниқлаш ва уларни тақдирлаш.	30 октябрь (<i>эълон бериш</i>) 15 ноябрь (<i>тақдирлаш маросимини ўтказиш</i>)	Телевидение, радио, босма ва электрон нашрлар ҳамда ижтимоий тармоқлар	Халқ таълими бошқармаси, вилоят телерадиокомпанияси

